

Ҳаж делегацияси Саудия Арабистонига жўнаб кетди



13:30 / 21.01.2019 3173

Кеча Ўзбекистон Республикаси Ҳаж делегацияси Саудия Арабистони Подшоҳлигига жўнаб кетди. Бу ҳақда muslim.uz сайти [хабар бермоқда](#).

Хабарда айтилишича, Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазири Солиҳ Бантиннинг таклифига асосан, «Ҳаж-2019» мавсумининг ташкилий ишларини келишиб олиш мақсадида, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси Усмонхон Алимов ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Жасур Акрамов бошчилигидаги делегация Саудия Арабистонига йўл олган.

Сафар давомида Ўзбекистон Ҳаж делегацияси ва Саудия Арабистони Ҳаж ишлари вазирлиги ва мутасадди ташкилотлар ўртасида «Ҳаж-2019» мавсумининг ташкилий ишлари ўзаро кўриб чиқилади. Шу мақсадда

Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара ва Жидда шаҳарларида жорий йил ҳаж мавсумида ўзбекистонлик ҳожиларга хизмат қилувчи идоралар ва муассасалар раҳбарлари билан келишувлар амалга оширилади.

***Islom.uz* портали таҳририяти**